Ўзбекистон Республикаси
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
"AUDIT-HISOB MARKAZI"
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шахри,180100,И.Каримов, 212/65, тел. +99891-4603010

"ЕРҚЎРҒОН"ДЕҲҚОН (ОЗИҚ - ОВҚАТ) БОЗОРИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ нинг
2019 -2020 йил холатидаги молиявий ҳисоботига

САЛБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК
ХУЛОСАСИ

Буюртмачи: "ЕРҚЎРҒОН" ДЕҲҚОН (ОЗИҚ-ОВКАТ) БОЗОРИ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
СТИР: 201937884
Манзили: Кашкадарё вилоят Карши шахри Косон йўли 1-км.

Мен, «AUDIT-HISOB MARKAZI» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 2-уйда жойлашган, СТИР раками 203 798 660, ОКОНХ коди 84400, Банк: ТИФ Миллий банки Қашқадарё филиали, МФО коди 00150, Х/р. 20208000104153882001) аудитори (директор) Эргашева Зебо Эшмурадовна (аудитор малака сертификати раками №05486, санаси 09.06.2017 й.) томонидан "ЕРҚЎРҒОН" ДЕҲҚОН (ОЗИҚ - ОВҚАТ) БОЗОРИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИнинг баланс, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан иборат 01.01.2019-31.12.2020 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги:

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги:

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз "ЕРҚЎҒОН"ДЕҲҚОН (ОЗИҚ - ОВҚАТ) БОЗОРИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамизнинг предмети хисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тўгрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, махсус қисмда қайд этилган салбий фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

Салбий фикр билдириш учун асос:

“Ерқўрғон” Деҳқон (озиқ – овқат) Бозори Акционерлик Жамияти фаолияти таҳлил натижалари бўйича 2019-2020-йиллар фаолиятида ваколатли органларга тақдим этилган молиявий ҳисоботлар таҳлил қилинганда қуйидаги салбий ҳолатлар мавжудлиги аникланди:

- Ҳисоботда сунъий киритилган нотўғри маълумотлар: Баланс хисоботи (1-шакл)-020 сатр 614 406,0 минг сўм, узоқ муддатли инвестиция деб кўрсатилган -030 сатр 163100,0 минг сўм, Қимматли қоғозлар деб кўрсатилган.

1). Номоддий активларга Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС-7) нинг 6-бандида келтирилган барча шартларга жавоб берувчи қуйидаги объектларгина киритилиши мумкин:

а) патент эгасининг ихтиро, саноат намуналари ва фойдали моделларга бўлган мутлақ ҳуқуқи;

б) муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига бўлган мутлақ ҳуқуқи;

в) муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг интеграл микросхемаларнинг топологияларига бўлган мутлақ ҳуқуқи;

г) ҳуқуқ эгасининг товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқи, шунингдек товар ишлаб чиқарилган жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи;

д) ҳуқуқ эгасининг селекция ютуқларига бўлган мутлақ ҳуқуқи;

е) гудвилл

ж) табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, яъни ер ости бойликлари, атроф-муҳитдаги бошқа ресурслар, атроф-муҳит тўғрисидаги геологик ва бошқа маълумотлар ва шу кабилардан фойдаланиш ҳуқуқи;

з) ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи; (Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (“сервитут”-кириб чикиш имконияти)

и) бошқа номоддий активлар (маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш, иқтисодий ва бошқа имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи ва шу кабилар).

2). Қимматли қоғозлар ўзи нима? -ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР - ўз эгасига мулкка эгалик ҳуқуқини ва даромад кўринишида муайян пул суммасини олиш ҳуқуқини берадиган пул ёки товар ҳужжатлари (акция, облигация, аккредитив, вексель, чек ва б.) Қимматли қоғозлар тақдим этувчи ёки эгасининг айрим ҳуқуқлари қайд этилган махсус тарзда расмийлаштирилган молиявий ҳужжат. Қ. қ. маълум шахс номига ёзилган (исмли), дастлаб сотиб олган шахс номига ёзилган ва унинг розилиги билан бошқа шахсга ўтказиладиган ордерли ва эгаси ёзилмайдиган (эгаси кўрсатилмайдиган) турларга бўлинади.

Корхоналарнинг акция, облигациялари ва давлат облигациялари Қ. қ. нинг асосий турлари ҳисобланади. Қимматли қоғозлар корхона капиталида қатнашиш ёки пулни ссудага тақдим этиш ва дивиденд ёки фоиз тарзида даромад олиш ҳуқуқини беради. Қимматли қоғозлар ўз эгасига даромад келтиргани учун фонд биржаси маълум курс бўйича олди-сотди қилинади (қ.қ Фонд бозори).

Ўтказилган инвентаризация натижасида жамият ушбу молиявий хужжат шаклидаги активни бошка юридик шахсларга олди- сотди қилинмаганлиги маълум бўлди.

Ушбу сумманинг баланс активида мавжуд деб курсатилиши, гўё-ки бошқа ташкилотларга жойлашириб, ундан фойда олиниш тарзда кўрсатилганлиги ҳақиқий эмас деб топилади. Чунки инвентаризация ўтказиш жараёнида бухгалтерияда қимматли қоғозлар билан узок муддатли инвестиция қилинмаганлиги маълум бўлди.

Шу сабабли қимматли қоғозлар (0610 счёт) қиймати 163100.0 минг сўмни баланс ҳисоботида актив сифатида кўрсатилганлиги ўз исботини топмади. 2016 йил баланс (1- шакл) ҳисоботида мавжуд деб кўрсатилган "Қимматли қоғозлар"ни топиш, айибдорларни аниқлаш, лозим бўлса амалдаги қонунларга таянган ҳолда ҳисобдан чиқариш ёки шу сумма миқдорида хусусий капитални ёки мажбуриятларни камайтириш.

Буларни иложи бўлмаса жамиятни "банкирот" деб топиш (Актив хусусий капитал манбайи хисобланади). Лозим бўлса, активнинг камайиши бўйича қайта ҳисобот тузиб тасдиқлаш ва ваколатли органларга, жамият кузатув кенгашига мурожаат қилишлик раҳбариятга тушунтирилди.

Чунки, баланс активида ҳисобга олиниб, кўрсатилган узок муддатли активларнинг белгиланган (худуд, территория, омборда-бирламчи ҳужжатларда) жойларда мавжуд бўлмаслиги камомад деб эътироф этилади.

Натижада жамиятнинг жами активлар қиймати - Устав фонди ва захира капитали қолдиғи билан солиштирилди. Бунда (952 483,0 – 777 506 – 435 529,0) = - 260 552,0 минг сўмга (соф актив камайган) баланс активи камайганлиги, бу Жамиятни 2019 йил холатида банкротлик белгилари мавжудлигини тасдиқлайди ва АЖда умумий йиғилш қарорига асосан ушбу йил якуни билан таъсисчиларга дивидендлар тўғрисидаги қарори ҳам ҳақиқий эмас деп топишга сабаб бўлади:

АСОС: Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда ЎРҚ-370-сон билан қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳимоя қилиш тўғрисида" янги таҳрирдаги Қонунига мувофиқ ва қонуннинг, 54-моддаси иккинчи банди.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, 2019 йил бухгалтерия баланс ҳисоботини сохта ёзув киритиб тасдиқлаган (банкротлик яширилган), ва Ушбу маълумот билан акционерлар умумий йиғилишини ўтказиб йўқ дивидентларни тақсимлаган маъсул шахсларни аниқлаш; Бу бўйича Акциядорлар умумий (навбатдан ташқари) йиғилишини чақиртириш, зарарларни қоплаш бўйича ваколатли органларга мурожаат қилишлик жамият маъмуриятига тушунтирилди.

Асосий воситалар бўйича (инвентаризация натижаси):

Жамият томонидан электрон тартибда солиқ органига 2019 йил учун тақдим этилган молиявий ҳисоботлари бўйича 01.01.2019 йил ҳолатига жамиятда асосий воситаларнинг баланс қиймати ҳисобот даври бошига 1.828.888,6 минг сумни, эскириш суммаси 437 763,3 минг сумни, қолдиқ қиймати 1 391.125,3 минг сумни ташкил этган;

Асосий воситаларнинг баланс қиймати ҳисобот даври охирига 1.273.509,0 минг сумни, эскириш суммаси 344 650,0 минг сумни, қолдиқ қиймати 928.859,0 минг сумни ташкил этган;

Кўрсатилган асосий воситаларнинг йил бошидаги баланс қиймати, эскириш суммаси ва қолдиқ қиймати билан йил охиридаги қийматликлари ўртасидаги фарқнинг вужудга келишида асосий воситаларнинг ҳаракати буйича ҳужжатларни йуқлиги ноаниқликларни кўрсатади.

Шунингдек, электрон тартибда солиқ органига 2020 йил учун тақдим этилган молиявий ҳисоботлари бўйича 01.01.2020 йил ҳолатига жамиятда асосий воситаларнинг баланс қиймати ҳисобот даври бошига 1.273.509,0 минг сумни, эскириш суммаси 344.650,0 минг сумни, қолдиқ қиймати 928.859,0 минг сумни ташкил этган;

Асосий воситаларнинг баланс қиймати ҳисобот даври охирига 1.273.509,0 минг сумни, эскириш суммаси 392.865,9 минг сумни, қолдиқ қиймати 880.643,0 минг сумни ташкил этган;

Кўрсатилган асосий воситаларнинг йил бошидаги баланс қийматликларини ва йил охиридаги қийматликларини асословчи, ифодаловчи руйхати шакллантирилмаган. Фақат маъсул ва моддий жавобгарларнинг 01.02.2020 йил ҳолатида тузилган Топширувчи ва қабул қилиб олувчи далолатномасида 1.295.517,7 минг сумлик асосий воситалар қийматликлари мавжудлиги акс эттирилган.

Жамият томонидан тузилган ишчи гурух аъзолари, жамиятнинг моддий жавобгар шахслари ўртасида 01.02.2020 йилда тузилган ва тасдиқланган топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан қабул қилиб олинган асосий воситаларнинг мавжудлиги, сақланиши бўйича 25.01.2021 йил ҳолатига ва 08.04.2021 йил ҳолатига асосий воситаларни сақланиши ва ҳақиқий мавжудлиги юзасидан қайта инвентаризация ўтказилган. Ўтказилган инвентаризация натижалари бўйича жами 586 973 938,0 сўм камомад аникланган. (Ўтказилган инвентаризация актлари илова қилинади).

Номоддий активлар:

Жамиятнинг 2019 йил бухгалтерия баланси ҳисоби бўйича 01.01.2019 йил ҳолатига жамият балансида номоддий активлар ҳисобот даври бошига 614.406,0 минг сумни ташкил этган ва йил давомида ҳаракатда бўлмаган.

01.01.2020 йил ҳолатига жамият балансида номоддий активлар ҳисобот даври бошига 614.406,0 минг сумни ташкил этган ва йил давомида ҳаракатда бўлмаган.

Ноқонуний пул ўтказмалари бўйича:

Жамият томонидан 2019-2020 йиллар давомида пул ўтказмалари бўйича жами 91.085.670 сўмлик товар моддий қийматликларидан камомад сифатида эътироф этилди. Сабаби: -баланс активининг ТМЗ (товар моддий захиралари) қисмида кўрсатилиб, моддий ҳисобдор шахслар томонидан товар материаллар ҳисоботи тузилмаганлиги, юритилмаганлиги омборда мавжуд бўлмаган ёки чиқим қилиниб далолатнома тузилмаган (кирим-чиқим ҳужжатлари мавжуд эмас) ҳамда молиявий натижалар ҳисоботининг давр харажатларига киритилмаган.

Касса операциялари:

Жамиятда хазина ҳужжатларини юритилиши қониқарсиз.

Жамиятда, маъсул ва моддий жавобгар ҳисобчи-хазиначи томонидан 2019-2020 йиллар давомида белгиланган касса кирим чиқим ҳисоботлари, касса книгалари талаб даражасида юритилмаган.

Жамият хазинасига аудиторлик текшируви ўтказилган (2019 й.) даврда 1.505.766,4 минг сум нақд пул банк муассасасига топширилган.

2020 йил даврида эса 780.275,4 минг сум нақд пул пул банк муассасасига топширилган.

Бундан ташқари, жамиятда тушумларни амалдаги қонун ҳужжатларга асосан кирим қилиш мақсадида Меркурий 115-Ф НКМ Қарши шаҳар ДСИдан 2010 йил 7 июль кунида №3966-сонли ҳамда №3967-сонли рақам билан руйхатдан

ўтказилиб, жамият бош ҳисобчиси ва бош назоратчи жавобгарлигига юклатилган бўлиб, ушбу НКМлар орқали кунлик патта йиғимлари ва бошқа тушумлар ҳисобга олиб борилган.

Аудиторлик текшируви ўтказилган даврларда бир марталик патта йиғими ва бошқа тушган нақд пул тушумларидан НКМга кирим қилинмасдан банк кассасига топшириш ҳолатларига йул қуйилган.

Ҳукуматимизнинг “Бозорлар фаолияти”га доир фармон ва қарорлари талаблари бузилганлиги ва оқибатлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-қонуни 17-сон 131-моддаси 3- банди 3 хатбошида “Бозорларнинг худудида ер участкалари ажратиб берилишига, шунингдек бозорга тегишли кўчмас мулк объектларини жисмоний ва юридик шахсларга мулк қилиб топширилишига йўл қўйилмайди” деб белгиланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27 март 2017 йилдаги № 2853 сонли “2017-2019 йиллар даврида дехқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги карори 16 банди талаби қўпол равишда бузилиш ҳолати қайд этилган. Жумладан, бино ва иншоотлар бузилиши туфайли юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарлар қопланишини таминлаш кўрсатилган.

Ўтган даврда Жамиятнинг фаолияти Кўплаб холатларда кадастр хизматлари томонидан асоссиз равишда фукароларга кадастр хужжатлари тайёрлаб бериш,холатлари кузатилган.Бунинг натижаси ўлароқ Жумладан Қурилишлар сохасида ваколатли орган хисобланадиган Қашқадарё вилоят Қурилиш бош бошқармаси мутахассисларининг хамда Қашқадарё вилоят Қурилиш сохасида худудий назорат инпекцияси мутахассисларининг 2021 йил 19 апрелда берган хулосаларига кўра Давлат кадастр хизматининг Уларга берган - 2021 йил 12 апрелдаги 1/16 – сонли жавоб хатида “Ерқўрғон дехқон озиқ овқат бозори” АЖ худудида жойлашган 35 та савдо дўконлари мулкдорлари тўғрисида маълумотлар архив базасида мавжуд эмаслиги маълум килинганлиги кўрсатиб ўтилган. Бозор худудидан 2021- йил 1 феврал холатига кадар 587 та савдо дўкон объектларидан 330 тасида кадастр йигма жилт хужжатлари тайёрлаб берилганлиги маълум қилиниб,2017-2019- йилларда дехкон бозорларини реконструкция килиш ва уларнинг худудида замонавий савдо мажмуалари куриш дастурини тасдиклаш тугрисидаги 2017 йил 27 мартдаги ПК-2853 сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.04.2010 йил даги ПҚ-1326- сонли қарорлари талабларига зид равишда жисмоний ва юридик шахсларга бозор худудидан савдо дуконлари қуриш учун ер ажратиш ва қуриб битказилган савдо дуконларига фойдаланишга ва мулкка эгалик килиш хукуклари берилмаслиги курсатилганлиги ва Уларга амал килмасдан ер ажратиш мулкка эгалик килиш хукуклари ноконуний бериб юборилганлиги ва бунда кадастр хужжатлари хам асоссиз равишда тайёрлаб берилганлиги маълум килинган.

Юкоридагилардан ташкари Собик бозор маъмурияти томонидан 57 та холатда хеч кандай карор ва хужжатларсиз(кадастр хужжатсиз) фукароларга савдо дуконлари мулкка эгалик килиш хукуки бериб юборилган.Хозирда Жамиятнинг шу кунда мавжуд активи бор йуги 2 та навесни ташкил этиб бошка хеч кандай кучмас мулк объекти Бозор балансда мавжуд эмас.Утган йилларда бузилган активлар ёки бузилишга тушган бозор активлари, кучмас мулклари учун компенсация тулаш бозор маъмурияти томонидан талаб килинмагани учун ваколатли шахслар томонидан тўлаб берилмаганлиги асосий воситаларнинг куп микдорда инвентаризация натижасида кам чикканлиги натижасида активлар киймати –Устав капитали ва захира фонди киймати суммасидан камайиб кетишига сабабчи бўлинган. Акциялар қиймати балансдаги активлар билан ўлчанадиган булса 0 (нол) га тенг бўлиб колган.

Мисол учун акциядор(бир акцияни киймати 2000.0 сум бўлган булса) Жамият таркибидан чикмокчи булса , харид килиб олган акция кийматига тенг булган активни Жамиятдан ололмайди.

Чунки кийматликлардаги активлар Бозорда мавжуд эмас Шу сабабли 2020 –йиллик баланс хисоботларни ДСига кайта аниклаштирилган хисобот сифатида кайта тақдим этиш тавсия этилди. Жамиятнинг 2019-2020 йиллардаги хисоботларида ушбу юкоридаги хатоликлар молиявий ҳисоботдаги бузиб кўрсатишларнинг таъсирини баҳолаш учун ўрнатилган муҳимлилик даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилган Ҳукумат қарорлари талабларига риоя қилинмаган ҳолда Қарши шаҳар ҳокимлигининг қарорлари билан ва Қарши шаҳар кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг кадастр ҳужжатлари билан Ҳукумат қарорлари талабларига зид равишда “Ерқўрғон” деҳқон озик-овқат бозори акциядорлик жамияти ҳудудидан жами 587 та қурилган ва фойдаланишга топширилмаган савдо объектларидан, 330 та турғун савдо дуконлари 16069,15 кв.м ер участкалари ажратиб берилганлиги ва кўчмас мулк объектларига эгалик ҳуқуқи берилиб Қарши шаҳар кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан ҳукумат қарорлари талабларига амал қилинмасдан бозор ҳудудидаги турғун савдо дуконлари жисмоний ва юридик шахсларга мулк қилиб берилишига йўл қўйилган.

Молиявий ҳолати.

Жамият томонидан 2019 йил учун тузилган ва фойдаланувчиларга тақдим қилинган “Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисоботнинг 010-сатрида маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушум 3.266.927,0 минг сумни, 020-сатрда сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи 0; 030-сатрда маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси 3.266.927,0 минг сумни; 040-сатр Давр харажатлари 1.312.903,0 минг сумни, шундан 050-сатр маъмурий харажатлар 881.129,0 минг сумни ва 070-сатр Бошқа операцион харажатлар 431.774,0 минг сумни; 100-сатр Асосий фаолиятининг фойдаси 1.954.024,0 минг сумни; 220-сатр Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси 1.954.024,0 минг сумни; 240-сатр Фойда солиғини тўлангунга қадар фойда 1.954.024,0 минг сумни ва 260-сатр фойда солиғи 1.891.915,0 минг сумни; 270-сатр ҳисобот даврининг соф фойдаси 62.109,0 минг сум акс эттирилган.

2020 йил учун тузилган ва фойдаланувчиларга тақдим қилинган “Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисоботнинг 010-сатрида маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушум 1.874.990,0 минг сумни, 020-сатрда сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи 0; 030-сатрда маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси 1.874.990,0 минг сумни; 040-сатр Давр харажатлари 1.775.706,1 минг сумни, шундан 050-сатр маъмурий харажатлар 1.036.260,1 минг сумни ва 070-сатр Бошқа операцион харажатлар 739.445,9 минг сумни; 100-сатр Асосий фаолиятининг фойдаси 99.283,9 минг сумни; 220-сатр умумхўжалик фаолиятининг фойдаси 99.283,9 минг сумни; 240-сатр Фойда солиғини тўлангунга қадар фойда 99.283,9 минг сумни ва 250-сатр фойда солиғи 14.911,3 минг сумни; 270-сатр ҳисобот даврининг соф фойдаси 84.372,7 минг сум акс эттирилган.

2020 йил учун тузилган “Молиявий ҳисоботлар” (форма-1, форма-2) шартли равишда тузилганлиги ва бу ҳолатда жамият баланси курсатгичларни бир бирига мос келмаслиги, жамият активларини пассив (устав фонди ва захира фондидан)дан камайиб кетишига ваколатли органлар томонидан текширилиб аниқлик киритилганидан кейин, жамият молиявий ҳисоботларини қайта тузиб солиқ органларига тақдим этиш тавсия этилади.